

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТ**

**ТЎЛАГАНОВ БАХРОМ АБДУКАБИЛОВИЧ**

**ЕВРОПА МАКРОСЕЙСМИК ШКАЛАСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК  
ЁНДОШУВИДАН ФОЙДАЛАНИБ БИНОЛАРНИНГ СЕЙСМИК  
ЗАИФЛИК ВА ШИКАСТЛАНИШИНИ БАҲОЛАШ**

**05.09.01 – “Қурилиш конструкциялари. Бино ва иншоотлар”**

**Техника фанлари бўйича фалсафадоктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по  
техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

Тулаганов Бахром Абдукабилович

Европа макросеймик шкаласининг методологик ёндошуvidан фойдаланиб  
биноларнинг сеймик заифлик ва шикастланишини баҳолаш .....5

Тулаганов Бахром Абдукабилович

Оценка сейсмической уязвимости и повреждаемости зданий с использованием  
методических подходов Европейской макросейсмической шкалы.....21

Tulaganov Bakhrom Abdukabilovich

Assessment of seismic vulnerability and damage to buildings using the  
methodological approaches of the European macroseismic scale .....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТ**

**ТЎЛАГАНОВ БАХРОМ АБДУКАБИЛОВИЧ**

**ЕВРОПА МАКРОСЕЙСМИК ШКАЛАСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК  
ЁНДОШУВИДАН ФОЙДАЛАНИБ БИНОЛАРНИНГ СЕЙСМИК  
ЗАИФЛИК ВА ШИКАСТЛАНИШИНИ БАҲОЛАШ**

**05.09.01 – “Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар”**

**Техника фанлари бўйича фалсафадоктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Г1363 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ва Ташкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходжаев Саидаглам Аглоевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аскарлов Бахтиер Аскарлович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ибрагимов Баҳром Тошмуратович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**“UZOGIRSANOATLOYINA” OAJ**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «03» февраль соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№72 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99871) 235-43-30; факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил 27 январ куни тарқатилди.  
(2022 йил 28 декабр даги 9-рақамли реестр баённомаси).



**Х.А. Акрамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.Т. Хотамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Б.А. Аскарлов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда жаҳонда зилзилага чидамли қурилиш назарияси ва амалиётининг тараққиёти юқори даражага етди. Бу борада, амалдаги стандартларга мувофиқ зилзилага чидамли қурилган бино ва иншоотларнинг сейсмик таъсирга қониқарли даражада бардошли эканлиги кўплаб зилзилалар оқибатларининг муҳандислик таҳлили натижалари далолат беради. Шу билан бирга, турли мамлакатларда содир бўлган бир қатор зилзилаларнинг ҳалокатли оқибатлари, уларда турли муддатларда қурилган биноларнинг кўплаб бузилиши кечиктириб бўлмайдиган ечим топишни талаб қиладиган қатор муаммоларни очиб берди. Бузилишлар ва қурбонлар кўламини ҳисобга олган ҳолда, сейсмик фаол ҳудудларда, шу жумладан Ўзбекистонда, бино ва иншоотларни сейсмик хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек уларни антисейсмик кучайтириш учун моддий ва меҳнат ресурсларини иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ сарфлаш алоҳида долзарблик ва аҳамият касб этади.

Дунёдаги етакчи илмий ва олий таълим муассасаларида ҳудудий сейсмик хавф даражасини баҳолашнинг халқаро тизимига самарали интеграциялашуви учун хавфни башоратли таҳлил қилиш, зилзилалар келтириши мумкин бўлган зарарни камайтириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, қурилиш соҳасида, қурилиш меъёр ва стандартларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштиришга, айниқса, сейсмик таъсирлар интенсивлигини аниқлаш ва биноларнинг антисейсмик мустаҳкамлаш соҳасига катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга бу вазифаларни амалга оширишда бизнинг давлатимизда илмий-техник сиёсат қурилиш соҳасидаги халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида миллий норматив ҳужжатларни улар билан уйғунлаштиришга йўналтирилган. Бу вазифаларни амалга оширишда шаҳарлардаги мавжуд биноларнинг сейсмик бардошлигини таъминлаш, сейсмик хавфни камайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон “Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация

тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сейсмология, зилзилага бардошли қурилиш ҳамда бинолар ва иншоотларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммолари билан жаҳонда ва мамлакатимиздаги йирик тадқиқотчилари, жумладан, К.Н. Абдуллабеков, К.С. Абдурашидов, Я.М. Айзенберг, Т.У. Артыков, Х.А. Асамов, М.У. Ашимбаев, Т.Ж. Жунусов, К.С. Завриев, А.О. Ишанходжаев, В.К. Кабулов, Б.К. Карапетян, Л.В. Конторович, И.Л. Корчинский, Г.А. Мавлянов, Р.К. Мамажанов, А.И. Мартемьянов, С.В. Медведев, М.М. Мирсаидов, С.В. Поляков, Т.Р. Рашидов, В.Т. Рассказовский, С.Ж. Раззаков, Х.З. Расулов, В.А. Ржевский, Х. Сагдиев, С. Саидий, К.С. Султанов, М.Т. Уразбаев, М.Н. Убайдуллоев, С.Т. Узлов, Г.Х. Ходжиметов, Ш.А. Хакимов, С.А. Ходжаев, И.Ф. Цепенюк, А.С. Johnston, A. Micheli, A. Taubaev, Ch. Golbs, Ch. Kaufmann, D.H. Lang, F. Anić, G.M. Atkinson, G. Grünthal, H. Maiwald, H. Schroeder, J. Schwarz, J. Zschau, J.J. Becker, J. Villagran De Leon, L. Abrahamczik, L. Faenza, M. Leipold, M. Sh. Siddique, R.M.W. Musson, R. Raschke, S. Beinersdorf, S. Marzban, Shi. Peijun, T. Maqsood, T. Langhammer, T. Swain, V. Vilceanu ва бошқалар шуғуланиб, ушбу тадқиқотлар йўналишида илмий ишларни бажарганлар ва илмий тадқиқотлари билан ушбу соҳа назарияси ва амалиётига салмоқли ҳисса қўшганлар.

Олдинги тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, сейсмик таъсирлардан келиб чиқадиган хавф ва зарарни минималлаштиришга биноларни сейсмик таъсирларга ҳисоблаш усуллари ривожлантириш, қурилиш меъёрларини такомиллаштириш, рационал хажм-тархий ва конструктив ечимлар, самарали материаллар ва конструкциялардан фойдаланиш орқали эришилади; сейсмик бардошликни маълум бир танқисликка эга мавжуд қурилиш биноларини кучайтириш учун конструктив ва бошқа қўплаб чора-тадбирлар қўлланилади.

Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва қутқарув хизматларининг зилзила оқибатларини оператив бартараф этишга тайёрлигини таъминлаш, сейсмик ишончлилигини турли даражасига эга ўнлаб ва юзлаб йиллар давомида шакллантирилган мавжуд биноларнинг техник ҳолати ва сейсмик заифлиги бўйича ахборот-таҳлилий базани яратиш, масалаларига етарлича эътибор қаратилмаяпти. 6 дан 10 баллгача зилзилалар интенсивлигини аниқлаш бўйича миллий шкаланинг (РСТ Уз 836-97) илмий-техник савияси замонавий умумэтироф этилган халқаро услубий ёндашувларга мос келмаслиги вазиятни янада оғирлаштиради. Халқаро миқёсдаги методологик ёндашувлар билан солиштирганда баҳолаш методологиясининг мураккаблиги билан ажралиб турувчи давлатлараро ГОСТ 34511-2018 стандарти бизнинг шароитларимизни ҳисобга олмасдан ишлаб чиқилган. Шу боис миллий шкалани тадқиқ этиш ва янгилаш, уни макросейсмик шкалаларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича халқаро, айниқса

Европа тажрибаси билан уйғунлаштириш катта аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Веймар Баухаус университети, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ва Тошкент архитектура-қурилиш институти ўртасидаги ҳамкорлик доирасида “ЕРАСМУС+” халқаро дастури бўйича “Сейсмик хавфларни, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш ва zilzilалардан зарарни камайтиришнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш” мавзусида (2018-2020 йй.) ва БВ-Атех-2018-28 “Маҳаллий материаллар асосида энергия тежамкор тўсиқ конструкцияли энергия самарадор zilзилабардош тураржой-фуқаролик биноларининг конструктив тизимлари ва уларни лойиҳалаш ва қуриш меъёрий-матодологик базасини такомиллаштириш” (2018 - 2020 йй.) илмий-амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** биноларнинг сейсмик заифлиги ва шикастланиш даражасини баҳолаш усуллари ривожлантириш, такомиллаштириш, ва EMS-98 услубий ёндашувларидан фойдаланган ҳолда миллий макросейсмик шкалани янгилаш, шунингдек, сейсмик хавфларни бошқариш ва эҳтимолий zilzilалар зарарини юмшатишнинг ташкилий-услубий ёндашувлари бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

биноларнинг шикастланиш даражаси ва сейсмик заифлигини баҳолашнинг замонавий усуллари ўрганиш;

Қашқадарё вилояти Қамаш туманида 2001, 2003 ва 2004 йиллардаги zilzilалар натижасида шикастланган биноларнинг техник ҳолати ва антисейсмик кучайтириш бўйича текшириш материалларини таҳлил қилиш ва ишлаш;

Қамаш zilzilаларидан кейин кучайтирилган ва тикланган мактаб биноларини тизимлаштириш ва паспортлаштириш, лой ва тошдан қурилган конструкцияларни баҳолаш учун ҳисоблаш дастуридан (BLM) фойдаланган ҳолда конструктив ечимларни қиёсий таҳлил қилиш;

Европа макросейсмик шкаласи EMS-98 услубий ёндашувларидан фойдаланиб мактаб биноларининг конструктив элементларига сейсмик таъсирлардан сейсмик заифликни ва зарар етказилиш даражасини баҳолаш;

миллий макросейсмик шкаласини халқаро шкалаларга уйғунлаштиришни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

бинолар ва иншоотларни антисейсмик кучайтириш усуллари оптималлаштириш ва мавжуд биноларни антисейсмик кучайтириш ҳамда тиклаш лойиҳалаш бўйича қурилиш меъёрларига киритиш учун таклифларни ишлаб чиқиш;

сейсмик хавф ва эҳтимолий zilzilалар натижасида етказилган зарарни камайтириш бўйича ташкилий-услубий тадбирларда фойдаланиш учун конструктив тизимлар турлари, биноларнинг шикастланиш даражаси ва сейсмик заифлик синфлари бўйича қурилиш объектларининг аниқ

геожойлашуви кўрсатилган хариталарни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида сейсмик хавфсизлик, мавжуд биноларда сейсмик хавфни камайтириш, бино ва иншоотларнинг шикастланиш даражаси ва сейсмик заифлик синфларини баҳолаш, эҳтимолий зилзилалардан зарарни камайтириш қабул қилинган.

**Тадқиқот предмети** EMS-98 услубий ёндашувларидан фойдаланган ҳолда зилзила оқибатларини таҳлил қилиш асосида биноларнинг шикастланиш даражаси ва сейсмик заифлигини баҳолаш усулларини ривожлантириш, антисейсмик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қамаши зилзиласидан зарар кўрган биноларнинг техник ҳолатини, стандарт усуллардан фойдаланиб текшириш материалларидан фойдаланиш; маълум илмий-техникавий натижаларни таҳлилий таққослаш; хорижий ва маҳаллий амалиётда қўлланиладиган биноларни сейсмик таъсирга ҳисоблаш учун компьютер дастурлар; сейсмик таъсирлар остида биноларнинг ҳолатини ҳисоблаш ва график моделлаштириш усуллари;

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

EMS-98 услубий ёндашувлардан фойдаланиб Қамаши зилзиласидан зарар кўрган турли конструктив тизимлар ва материалларидан иборат биноларнинг конструкция элементларининг шикастланиш даражаси ва сейсмик заифлиги баҳоланган;

биноларни кучайтириш ва тиклашда лойиҳалаш жараёнида қабул қилинган антисейсмик чора-тадбирларнинг техник ечимлари сейсмик бардошлигининг ҳаддан ташқари оширилган иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган даражалари билан тавсифланиши асосланган, бу эса цемент ва пўлатнинг ортиқча сарфланишига олиб келган;

сейсмик юкламанинг турли даражаларида биноларнинг конструкциялари ва узеллари ишини баҳолаш, уларнинг энг заиф қисмларинининг уч ўлчовли спектрал ранг тасвирини тақдим этиш имконини берувчи BLM дастуридан фойдаланган ҳолда, конструкцияларни сейсмик кучайтиришнинг техник ечимлари оптималлаштирилган;

бинолар ва иншоотларнинг заифлик синфлари ва шикастланиш даражасини аниқлаш учун EMS-98 услубий ёндашувларидан фойдаланган ҳолда миллий макросейсмик шкалани янгилаш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқди;

юз бериши мумкин бўлган зилзила вақтидаги биноларда рўй берадиган шикастланиш даражаси ва уларнинг заифлик синфлари конструктив турларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд иморатларнинг хариталари тузилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

зилзилабардош бино ва иншоотларни лойиҳалаш бўйича Европа амалиётида қўлланиладиган маҳаллий шароитларга BLM лойиҳалаш дастури мослаштирилган;

BLM ҳисоблаш дастуридан фойдаланган ҳолда зилзилалар оқибатларини, қўлланиладиган антисейсмик чора-тадбирларнинг самарадорлигини (оптималлигини), иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган сейсмик



хавфсизлик даражасини таъминлаш усуллари;

EMS-98 га уйғунлаштиришни ҳисобга олган ҳолда миллий макросейсмик шкалани қайта ишлаш ва ривожлантириш, шунингдек, мавжуд бино ва иншоотларини антисейсмик кучайтириш ва тиклаш бўйича қурилиш меъёрлари лойиҳасига киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

сейсмик рискларни ва юзага келиши мумкин бўлган зарарни прогноз қилишда фойдаланиладиган, биноларнинг конструктив турларини, уларнинг эҳтимолий зилзилалардан мумкин бўлган заифлик синфларини ва шикастланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда мавжуд биноларнинг хариталари тузиб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Натижаларнинг ишончилиги МДХ мамлакатларида кенг қўлланиладиган ЛИРА дастури билан таққослаган ҳолда, VLM дастури бўйича сейсмик таъсирларга биноларни халқаро амалиётида апробация қилинган ҳисоблаш-; биноларнинг конструктив элементларининг шикастланиши ва заифлигини ҳисоблаш-график моделлаштириш усуллари орқали; тадқиқот натижаларини бошқа тадқиқотчилар маълумотлари билан таққослаш орқали аниқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти РСТ Уз 836-97 миллий макросейсмик шкаласини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг илмий асосланган қоидаларини ишлаб чиқиш ва уни EMS-98 билан уйғунлаштириш билан боғлиқ бўлиб, улар сейсмик заифлик синфларини, биноларнинг шикастланиш даражасини ишончли аниқлаш ва ҳудудий сейсмик хавфни баҳолашнинг халқаро тизимига самарали интеграцияни таъминлаш, хавфларни прогноз қилиш ва зилзила оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зарарни камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти зилзилалар оқибатларини баҳолашнинг тавсия этилган операцион усуллари, қўлланиладиган антисейсмик чора-тадбирларни оптималлаштириш бўйича ҳисоб-китоб дастурлари, сейсмик хавфсизликнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган даражасини таъминлаш ва цементни 15% гача, пўлатни эса 9- 12% гача тежаш; маҳаллий ҳокимият органлари ва қутқарув хизматларининг зилзилалар оқибатларини оператив бартараф этишга тайёрлигини таъминлаш учун мўлжалланган, ГИС платформасида сейсмик хавфларни бошқариш ва эҳтимолий зилзилалар зарарини камайтиришнинг ташкилий-услубий схемасини яратиш билан боғлиқ.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Европа макросейсмик шкаласининг услубий ёндашувларидан фойдаланган ҳолда биноларнинг сейсмик заифлиги ва шикастланганлигини баҳолашда олинган илмий натижаларга асосан:

миллий макросейсмик шкалани халқаро миқёсга мувофиқлаштириш ва янгилаш бўйича таклифлар ва уни 6-10 баллдан 12 баллга ўтказиш, шунингдек, EMS-98 бўйича сейсмик заифлик синфлари, бино ва иншоотларнинг шикастланиш даражасини белгилашнинг услубий ёндашувларидан фойдаланган ҳолда уни такомиллаштириш ва

ривожлантириш қоидалари «ToshuyjoyLITI» АЖ томонидан қабул қилинган («ToshuyjoyLITI» АЖнинг 2021 йил 29-ноябрдаги НН/01-843-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 6 декабрдаги 03-06/13834-сон маълумотномаси). Натижада зилзила оқибатини оператив ва ишончли баҳолаш имконияти яратилган.

деворлари пиштирилган лойдан (пахса), хом ғиштдан, синчсиз "гувала" типдаги хом қурилган лойдан қурилган бир қаватли биноларга қўйиладиган талаблардан (5.19 ва 5.20-бандлар); ғиштли биноларнинг шикастланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлардан (7.1.16-банд ва 7.2-жадвал "Ғиштли биноларнинг параметрлари ва шикастланиш даражаси"); мустаҳкамлиги паст маҳаллий материаллардан (антисейсмик чора-тадбирларсиз) қурилган турар-жой бинолари, "гувала" ва "пахса" типдаги бир қаватли синчсиз лой деворлари, 1-2 қаватли ёғочли ораёпмали синчсиз ғишт деворлари, шунингдек, йиғма темир-бетон ораёпмали бинолар тўғрисидаги маълумотлардан ("Биноларнинг конструктив турларини зилзилалар пайтида заифлик ва шикастланиш даражасига кўра классификацияси" иловаси), антисейсмик чора-тадбирларни оптималлаштириш натижаларидан "ToshuyjoyLITI" ОАЖ томонидан ШНК 2.01.22-21 "Мавжуд қурилиш бинолари ва иншоотларини антисейсмик кучайтириш ва тиклаш" лойҳасини тайёрлашда фойдаланилган («ToshuyjoyLITI» АЖнинг 2021 йил 29-ноябрдаги НН/01-843-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 6 декабрдаги 03-06/13834-сон маълумотномаси). Натижада биноларнинг сейсмик хавфсизлигини иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ даражасини таъминлаш ва цементни 15% гача, пўлатни эса 9-12% тежаш имконияти яратилган;

тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг ўқув жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг 2021 йил 4 декабрдаги 36-сон/3-2549-сон далолатномаси);

ГИС платформасида сейсмик рискни бошқариш ва эҳтимолий зилзилалар натижасида етказилган зарарни камайтириш бўйича ташкилий-услубий схема ўз фаолиятида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 10 октябрдаги 2/4/32-3036-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий ҳокимият органлари ва кутқарув хизматларининг зилзилалар оқибатларини оператив бартараф этишга тайёрлигини таъминлаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий асар. Улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола,

жумладан 1 та хорижий ва 5 та республика журналларида чоп этилган. Битта монография, 6 та мақола халқаро ва республика конференцияларидаги маърузалар тўпламларида чоп этилган.

**Диссертация таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ўрганилганлик даражаси ва тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ҳамда тадқиқот натижаларини меъёрий ҳужжатларга жорий қилинганлиги баён қилинган, шунингдек тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, диссертация мавзуси бўйича тадқиқот натижаларини апробациядан ўтказиш ва чоп этилган илмий ишлар тўғрисида ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Биоларнинг сейсмик таъсирлар интенсивлиги ва заифлигини баҳолаш, сейсмик хавф ва zilzilalar зарарини камайтириш усуллариининг ҳозирги ҳолати” деб номланган биринчи бобда жаҳондаги zilzilalar натижасида етказилган зарарларнинг ўзгариш динамикаси, биоларнинг сейсмик хавфсизлигини ошириш бўйича маҳаллий ва хорижий нашрларнинг адабий-таҳлилий шарҳи тақдим этилган. Сейсмик таъсирлар интенсивлигини баҳолашнинг замонавий усуллари ва турли мамлакатларда фаолият юритувчи макросейсмик шкалаларнинг хусусиятлари таҳлил қилинган. Сейсмик таъсирлар интенсивлигини аниқлаш, биоларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш ва эҳтимолий zilzilalar зарарини камайтириш йўналиши бўйича миллий илмий-услубий базанинг ҳолати баҳоланади. Диссертация иши мавзуси бўйича ўтказилган адабий шарҳ асосида ишчи гипотеза шакллантирилди, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланди.

“Ҳақиқий zilzilalar оқибатларини таҳлил қилиш асосида мавжуд қурилиш биоларига етказилган зарар даражасини баҳолашга услубий ёндашувлари” деб номланган иккинчи бобда миллий шкалани янгилаш учун асосий таянч сифатида ШСИ-17 Россия шкаласининг айрим қоидаларини ҳисобга олган ҳолда EMS-98 макросейсмик Европа шкаласи кўриб чиқилади.

Zilziladan зарар кўрган биоларнинг техник ҳолатини баҳолаш ва улар мустаҳкамлангандан сўнг, макросейсмик Европа шкаласи EMS-98га мослашиш учун дастлабки маълумотларни шакллантириш учун Қашқадарё вилоятидаги 2000, 2001 ва 2004 йиллардаги Қамаши zilzilalari натижасида зарар кўрган ижтимоий объектлар мисолида сейсмик таъсирлар оқибатларини, мустаҳкамлаш ва тиклаш усуллариини таҳлил қилиш натижалари асосида техник биоларни ўрганиш материаллари ўрганилди ва қайта ишланди. Ушбу

материаллар “ЎзЛИТТИ” АЖ (собик ТошЗНИИЭП, ҳозирги “ToshuyjoyLITI” АЖ) мутахассислари томонидан тақдим этилган. Зарарларни таҳлил қилиш, каталоглаштириш ва электрон техник паспортларни тузиш объектларни қаватлар сони, дизайни ва фойдаланилган материаллар бўйича тизимлаштириш ва таснифлаш имконини берди, бу изчилликни таъминлади ва зилзила оқибатлари бўйича материаллар билан ишлаш самарадорлигини сезиларли даражада оширди.

Ўрганилаётган бинолар, уларнинг конструкциялари ва тўпламларининг кучланиш-деформация ҳолатини баҳолаш учун EDAC дастури доирасида Ўзбекистоннинг Қамаш тумани учун махсус BLM ҳисоб-китоб дастури (ушбу иш муаллифи иштирокида) ишлаб чиқилган. У сейсмик таъсирнинг маълум даражасида энг муаммоли ҳудудларнинг рангли-спектрал тасвири билан бинонинг график диаграммаларини яратиш билан биноларнинг шикастланиш даражасини, сейсмик заифлигини ва умуман, сейсмик чидамлилигини ҳисоблаш учун ишлатилган.

Диссертация ишининг “Халқаро услублар ва стандартлардан фойдаланган ҳолда Қамаш зилзиласидан жабр кўрган мактаблар мисолида биноларнинг сейсмикзаифлиги ва шикастланганлик даражасини баҳолаш” номли учинчи бобида юқоридаги услубий қоидаларга асосланиб, вазифа заифлик синфлари ва биноларга етказилган зарарнинг таснифини аниқлаш учун EMS-98 да қабул қилинган услубий ёндашувлардан фойдаланиш имкониятини асослашдан иборат. EMS-98 услубий ёндашувлари таҳлил натижаларига кўра сейсмик таъсирнинг интенсивлигини баҳолаш учун, шу жумладан ҳисоб-китоб дастурлари, Қамаш зилзиласидан зарар кўрган мактаб биноларининг техник ҳолатини ўрганиш учун материаллардан фойдаланган ҳолда қўлланилади. Бу миллий макросейсмик шкалани қайта ишлаш учун шарт-шароитлар яратиш ва уни халқаро амалиётда энг ишлаб чиқилган ва энг қўлланиладиган – Европа EMS-98 макросейсмик шкаласи билан уйғунлаштиришда биринчи қадам бўлади.


Қамаш туманидаги зилзиладан зарар кўрган объектларнинг умумий сонидан 58 та мактаб тадқиқот дастурига энг характерли мактаблар сифатида киритилган. 1-расмда бузилиш ёки мустаҳкамлаш (тиклаш), реконструкция қилиш, шунингдек бузилаётганлар ўрнига янги қурилишлар тўғрисидаги бинолар сони тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотлар келтирилган. Турли объектларнинг сейсмик таъсирдан кейинги ҳолати, шунингдек кучайтирилиши ва тикланишидан кейинги ҳолати тўғрисидаги мавжуд дастлабки маълумотларни синчковлик билан қайта ишлаш ва таҳлил қилиш асосида EMS-98 бўйича уларнинг заифлик синфларини баҳолаш амалга оширилди.

Биноларни мустаҳкамлаш ва тиклашда қўлланиладиган сейсмикага қарши чоралар таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 18 турдаги кучайтиргичлар (яхшилашлар) аниқланди. Усуллар танкидий ўрганилиб, сейсмикага қарши тадбирларни лойиҳалашда қўлланиладиган нораціонал техник ечимлар аниқланди. Бу омилларнинг барчаси тўғридан-тўғри ёки билвосита маълум даражада биноларнинг сейсмик чидамлилиги даражасига ва

уларни мустаҳкамлаш ва тиклашдан кейин сейсмик заифлигига, шунингдек, фойдаланиладиган ечимларнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигига таъсир кўрсатди.

Тадқиқот жараёнида мавжуд маълумотларни EMS-98 ёрдамида таҳлилий қайта ишлаш натижалари асосида ВЛМ дастури ёрдамида олинган ҳисоб-китоб маълумотлари билан кейинчалик солиштириш учун объектларнинг электрон техник паспортлари тузилди.

Батафсил тадқиқот объекти сифатида Деҳқонобод туманидаги Гумбулоқ тоғ қишлоғида жойлашган Сафаров номидаги 20-умумтаълим мактаби олинди. Ушбу объектни танлаш ишлатилган материаллар ва и конструкциялар тўғрисида энг тўлиқ маълумотларнинг мавжудлиги, турли хил ёриқлар кўринишидаги шикастланишлар характериға оид график материаллар мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, улар ВЛМ ҳисоб-китоблар дастури ёрдамида аниқланган зарар даражалари билан таққослаш имконини беради. Бино 1980 йилда Иттифоқнинг СНиП ИИ-А.12-69\* сейсмик стандартлари талабларига мувофиқ қурилган. Объект қурилиши вақтида ушбу ҳудуд 7 балл зонасига тегишли эди. 2000 йил 20 апрел ва 2001 йил 18 январдаги 6-7 балл кучли зилзилалар мактаб биносининг юк кўтарувчи конструкцияларининг анча катта деформацияларига олиб келди.



**1-расм. Қамаш туманида бузиладиган ёки мустаҳкамланадиган (тикланадиган) бинолар, янги қурилиш турларининг миқдорий тавсифи**

Текширув маълумотлари ва қабул қилинган техник ечимлар таҳлили асосида уларни EMS-98га мувофиқ аниқлаш ва зилзиладан олдин ва кейин давлатдан олинган хулосалар бўйича биноларнинг техник ҳолатининг қиёсий ҳисоб-китоб таҳлили, шунингдек, уларнинг мустаҳкамланган (тикланган) ва

зилзила оқибатлари баргараф этилгандан кейинги ҳозирги техник ҳолати таҳлили ўтказилди. Натижада, Қамаш илзиласидан зарар кўрган иншоотларни (биноларни) фарқлаш EMS-98 (1-жадвал) бўйича заифлик синфлари бўйича амалга оширилди.

1-жадвал

**Қамаш илзиласидан зарар кўрган биноларни EMS-98 заифлик синфлари бўйича фарқлаш**

EMS-98 бўйича қиёсий таҳлил								
Турлари	Объектнинг конструктив тузилиши	Биноларни сейсик таъсирга нисбатан ҳолати	Заифлик синфи					
			-A	A	B	C	D	E
1	Бир қаватли, битта тўртбурчак блокдан иборат, паҳса деворлари, ораёпмалар ёғочдан	Сейсмик таъсирдан олдинги ҳолат		○				
		Сейсмик таъсирдан кейинги ҳолат	---○					
		Кучайтиришдан кейинги ҳолат			●			
2	Худди шу, деворлар табиий тошдан, ораёпмалар ёғочдан	Сейсмик таъсирдан олдинги ҳолат		○				
		Сейсмик таъсирдан кейинги ҳолат		○---				
		Кучайтиришдан кейинги ҳолат	---●---					
3	Худди шундай, деворлари пишган ғиштдан, ораёпмалар ёғочдан	Сейсмик таъсирдан олдинги ҳолат			---○---			
		Сейсмик таъсирдан кейинги ҳолат		---○---				
		Кучайтириш ва тикланишдан кейинги ҳолат			---●---			
4	Худди шундай, деворлари пишган ғиштдан, ораёпмалар темир-бетон плиталардан	Сейсмик таъсирдан олдинги ҳолат			---○---			
		Сейсмик таъсирдан кейинги ҳолат			---○---			
		Тикланишдан кейинги ҳолат			---●---			
5	Икки қаватли, битта тўртбурчак блокдан иборат, деворлари пишган ғиштдан, ораёпмалар темир-бетон плиталардан	Сейсмик таъсирдан олдинги ҳолат			---○---			
		Сейсмик таъсирдан кейинги ҳолат			---○---			
		Кучайтиришдан кейинги ҳолат			---●---			

6	Бир қаватли тархи "П" ёки "Г" шаклли, деворлари пишган ғиштдан, ораёпмалар темир-бетон плиталардан	Сейсмик таъсирдан олдинги ҳолат			○				
		Сейсмик таъсирдан кейинги ҳолат			┆---○				
		Кучайтиришдан кейинги ҳолат			┆---●				
7	Худди шундай, деворлари пахсадан, ораёпмалар ёғочдан	Сейсмик таъсирдан олдинги ҳолат			○				
		Сейсмик таъсирдан кейинги ҳолат			┆---○				
		Кучайтиришдан кейинги ҳолат			┆---●				
8	Худди шундай, деворлари пишган ғиштдан, ораёпмалар темир-бетон плиталардан	Сейсмик таъсирдан олдинги ҳолат			┆---○---┆				
		Сейсмик таъсирдан кейинги ҳолат			┆---○---┆				
		Кучайтиришдан кейинги ҳолат			┆---●---┆				
9	Икки қаватли, тархи "П" шаклли, деворлари пахсадан, ораёпмалар темир-бетон плиталардан	Сейсмик таъсирдан олдинги ҳолат			○				
		Сейсмик таъсирдан кейинги ҳолат			┆---○				
		Кучайтиришдан кейинги ҳолат			●				

BLM таҳлилий дастурига мувофиқ EMS-98 услубий қоидаларини мослаштириш учун кўриб чиқиладиган биноларнинг характеристикалари (тезлаштириш, тезлик ва тупроқнинг силжиши) ҳақиқий zilзилага ўхшаш, фойдаланиладиган материалларнинг хусусиятларини ва биноларни сейсмик таъсирлардан кейин, шунингдек мустаҳкамлаш ва тиклаш ишларини амалга оширишдан кейин техник ҳолатига кўра ўрганиш маълумотларини ҳисобга олган ҳолда сейсмик таъсирлар остидаги хатти-ҳаракатларини ҳисобланган аниқлаш бажарилди. Ҳисоблаш жараёнида ўқлар бўйлаб сейсмик юк билан бинонинг босқичма-босқич юкланиши таъминланди. 0 дан SG5 гача бўлган зарар даражаси (EMS-98 бўйича) тезланиш даражаси ва деформациялар спектри билан аниқланди. Бу бизга ўрганиладиган объектлар учун сейсмик юкнинг руҳсат этилган (чегаравий) қиймати даражасини аниқлаш имконини берди. Натижада, бинонинг, унинг алоҳида тузилмалари ва сейсмик юкнинг турли даражаларида бўлинмаларининг ишлашининг тўлиқ тавсифи, шу жумладан энг заиф ва муаммоли ҳудудларнинг рангли спектрли тасвири билан уч ўлчовли тасвир олинди (2-расм).

Натижада, Сафаров номидаги мактабнинг биносидан пойдевор чуқурлиги,


тешиқлар орасидаги девор эни ва тўртта блок учун деворларнинг биқирлиги критик бўлиб чиққани ва баъзи жойларда эса сейсмик юкламанинг маълум даражаси учун мутлақо қабул қилиниши мумкин эмас бўлиб чиққани аниқланди. Шу билан бирга, ушбу конструктив схемада тешиқларнинг баландлиги, уларнинг деворлардаги улуши ва масса марказларининг тақсимланиши мақбул деб тан олинган. Ҳисоб-китоблар, шунингдек, бўйлама ва кўндаланг йўналишларда ҳисобланган грунт тезланиши  $a_g$  қийматида қараб биноларнинг шикастланиш даражасини кўрсатди. Шундай қилиб, X ўқи (кўндаланг йўналиш) бўйлаб сейсмик кучлар таъсирида Сафаров номидаги мактаб биносининг 2-блокининг шикастланиш даражаси кутилгандек Y ўқи бўйлаб кўпроқ бўлди. Бино кўндаланг йўналишда  $a_g=0,53 \text{ м/с}^2$  қийматида ва  $a_g=1,16 \text{ м/с}^2$  бўйлама йўналишда 3 даражага мос келадиган сезиларли зарарни олади. Бўйлама йўналишда блокнинг тўлиқ бузилиш бўлиши билан грунтнинг ҳисобланган тезланишининг қиймати (зарар даражаси 5) кўндаланг йўналишдагидан икки баравар юқори ( $a_g=1,67 \text{ м/с}^2$  ва  $a_g=0,83 \text{ м/с}^2$ , мос равишда).

Ҳисобий натижаларни олгандан сўнг, улар текширилган бинолар учун олинган ҳақиқий маълумотлар билан таққосланган. Худди шундай таҳлил Сафаров номидаги мактабнинг тўртта блокининг ҳар бири учун ўтказилди, бу зилзила пайтида бинонинг энг заиф ва муаммоли жойларининг ҳисобланган спектрал кўриниши унинг ҳақиқий зарарига жуда мос келишини кўрсатди. Шундай қилиб, масалан, дераза блоклари устидаги спектрнинг қизил ранги (2-расм) сейсмик юкнинг бир хил даражасида бу жойдаги энг катта ёриқлар билан мос келди.


Катта шаҳарларда аҳолининг, бинолар ва иншоотларнинг фавқулодда вазиятларда (ФВ), хусусан, зилзилаларда заифлиги энг кескин муаммо ҳисобланади. Шу билан бирга, аҳоли ва қутқарув хизматларининг зилзилаларга тайёрлигини таъминлаш, биноларнинг турли конструктив тизимлари томонидан шакллантирилган ва турли даражадаги сейсмик ишончлилик даражасига эга бўлган мавжуд бинолар мажмуасининг техник ҳолати ва сейсмик заифлик даражаси тўғрисида ахборот-таҳлилий база – географик ахборот тизимини (ГИС) яратишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Ушбу ишда зилзилалардан азият чеккан Қамаш мисолида шунга ўхшаш муаммоларни услубий жиҳатдан ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган, кейинчалик методик ёндашувни аҳоли гавжумроқ ҳудудлар учун қўллаган. Натижада, EMS-98 услубий ёндашувлар ёрдамида заифлик ва зарар даражаси бўйича таснифланган мактаблар ва болалар боғчаларининг аниқ геолокацияси билан харита тузилди (3-расм). Бундай харита сейсмик хавфларни ва эҳтимолий зилзилалар натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарларни башорат қилиш учун зарурдир.





**2-расм. 20-сонли мактаб блокларининг шикастланишининг (ҳақиқий) график тасвирлари ва SG 3 шикастланиш даражасидаги энг муаммоли жойларнинг рангли-спектрал тасвирлари (ҳисобланган): а – блок 1; б – блок 2; в – блок 3; г – блок 4**



**3-расм. EMS-98 га мувофиқ заифлик (а) ва зарар даражаси (б) бўйича таснифланган мактаблар ва болалар боғчаларининг жойлашуви харитаси**

“Миллий миқёсни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, сейсмик хавф ва эҳтимолий зилзилалардан зарарни бошқариш бўйича ташкилий-услубий ёндашувлар” номли тўртинчи бобида MSK -64, EMS-98 , ШСИ- 17 ва РСТ Уз 836-97 шкалаларида қабул қилинган сейсмик интенсивликни баҳолашнинг асосий манбаларини таҳлилий таққослаш ва умумлаштириш амалга оширилган. Натижада, биз EMS-98 да қўлланиладиган зилзилалар интенсивлигини балларда баҳолашда ҳислар, биноларнинг шикастланиши ва бузилишиб кетиши асосида, шакллантиришлардан

фойдаланиш мақсадга мувофиқ афзалроқ деган хулосага келдик.

Зилзила содир бўлган тақдирда мавжуд бинолар мажмуасида биноларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш учун заифлик таснифидан фойдаланиш алоҳида қизиқиш уйғотади. EMS-98 шкаласи бўйича услубий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда Қамаши зилзилалари оқибатларини таҳлил қилиш маълумотлари асосида заифлик синфларини таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва баҳолаш шуни кўрсатадики, бу яна битта "-А" заифлик синфини 1-жадвалга жорий қилишни талаб қилади. Бунинг сабаби, мавжуд заифлик синфи "А" мамлакатимизда қўлланиладиган лой материаллардан (Adobe) ясалган биноларни коплаш учун етарли эмас деб таснифланган, чунки EMS-98 бўйича уларнинг заифлигини тавсифлаш учун бу етарли эмас.

Ўтказилган тадқиқотлар миллий макросейсмик шкалани 6-10 баллдан 12 баллга ўтказиш, EMS-98 нинг мослаштирилган услубий ёндашувларини қўллаш бўйича илмий асосланган қоидаларни шакллантиришга имкон берди, бу эса сейсмик заифлик синфларини, биноларнинг шикастланиши даражасини оператив ва ишончли аниқлаш имконини беради. Шкалани янгилаш ҳудудий сейсмик хавфни баҳолаш, рискни прогнозли таҳлил қилиш ва зилзилалар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зарарни камайтириш бўйича халқаро тизимга самарали интеграцияланиш имконини беради.

5-расмда ГИС маълумотлар базасининг ягона электрон платформасида сейсмик хавфларни бошқариш ва эҳтимолий зилзилалар натижасида етказилган зарарни камайтиришнинг ташкилий-услубий схемаси кўрсатилган.



**6-расм. ГИС платформасида сейсмик хавфларни бошқариш ва эҳтимолий зилзилалар натижасида етказилган зарарни камайтиришнинг ташкилий-услубий схемаси**

Бошқарув содир бўлган зилзилалар оқибатларини ҳар томонлама ўрганиш, сейсмик жараёнларни кузатиш ва ҳужжатлаштириш, зилзиланинг

одамларга ва уларнинг сунъий яшаш муҳитига таъсири тўғрисидаги маълумотлар, бинолар ва иншоотларни электрон сертификатлашнинг техник дастлабки маълумотлари асосида хавфларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни самарали амалга оширишдан иборат.

### Хулоса

1. Халқаро сейсмик хавфни баҳолаш тизимида самарали интеграцияни таъминлайдиган ягона прогностли хавфларни таҳлил қилиш тизимини ишлаб чиқиш учун асос яратиш мақсадида ушбу тадқиқот замонавий Европа таҳлилий дастурлари, усуллари ва стандартлари ёрдамида мавжуд бинолар мажмуасининг шикастланиш даражасини, сейсмик заифлигини баҳолашнинг илмий асосланган услубий ёндашувларини ишлаб чиқишга бағишланган.

2. Зилзила интенсивлигини аниқлаш бўйича 6-10 балллик миллий шкаланинг РСТ Уз 836-97 қоидаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар кўпчилик халқаро макросейсмик ўн икки балли шкалаларнинг услубий ёндашувларига мос келмайди. Миллий шкалани янгилаш ва ривожлантириш, шунингдек, уни ушбу соҳадаги халқаро ёндашувлар билан уйғунлаштириш учун дунёнинг кўплаб мамлакатларида энг тан олинган ва қўлланиладиган ўн икки балли макросейсмик Европа шкаласи EMS-98 асосий асос сифатида қабул қилинди.

3. Мослашиш учун услубий асос ва дастлабки маълумотларни шакллантириш, EMS-98 услубий қоидаларига мувофиқ мавжуд биноларнинг техник ҳолатини баҳолаш мақсадида Қашқадарё вилоятида 2000, 2001 ва 2004 йиллардаги Қамаш зилзilasидан зарар кўрган ижтимоий объектлар мисолида мустаҳкамлаш ва тиклаш усуллари сейсмик таъсирлар оқибатларини таҳлил қилиш натижалари асосида материаллар ўрганилди ва таҳлил қилинди.

4. EDAC дастури доирасида биноларнинг шикастланиш даражасини, сейсмик заифлигини ва умуман олганда, сейсмик чидамлилигини баҳолаш учун ушбу иш муаллифи иштирокида, айниқса, Қамаш тумани объектлари учун BLM ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган. BLM дастуридан фойдаланиш сценарий зилзilasида энг заиф ва муаммоли ҳудудларнинг уч ўлчовли ранг-спектрал кўриниши билан бинолар, уларнинг алоҳида тузилмалари ва бирликларининг ишлашининг тўлиқ тавсифини олиш имконини берди.

Аниқланишича, биноларни мустаҳкамлаш ва тиклашда лойиҳалаш жараёнида қабул қилинган антисейсмик чора-тадбирларнинг техник ечимлари сейсмик қаршилиқнинг ҳаддан ташқари оширилган даражалари билан тавсифланади. BLM дастуридан фойдаланиш қўлланиладиган антисейсмик чора-тадбирларни оптималлаштириш, биноларнинг сейсмик хавфсизлигини иқтисодий жиҳатдан мақбул даражасини таъминлаш, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш имконини беради.

5. EMS-98 да қабул қилинган заифлик синфлари ва биноларга етказилган зарарни таснифлаш учун услубий қоидалардан фойдаланиш имконияти асосланди. Бу Қамаш зилзilasидан зарар кўрган мактаб биноларини ўрганиш материалларини таҳлил қилиш ва ҳисоблашда ишлов бериш асосида уларнинг апробацияси натижаларига кўра сейсмик таъсирларнинг интенсивлигини

баҳолаш учун зарур. Натижада миллий шкалани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш ҳамда уни халқаро амалиёт билан уйғунлаштириш бўйича услубий ёндашувлар шакллантирилди.

6. Зилзила сценарийси таъсирида Қамашининг мавжуд бинолар мажмуаси EMS-98 шкаласи бўйича услубий ёндашувлар бўйича биноларнинг шикастланганлиги ва заифлигини аниқлаш билан экспериментал тарзда ўрганилди. Тадқиқот натижаларидан сейсмик хавф ва зилзилаларнинг ижтимоий-иқтисодий зарарини баҳолаш, шунингдек, республиканинг бошқа ҳудудлари учун биноларни техник электрон сертификатлашдан иборат ягона электрон ГИС платформасини яратишда фойдаланиш мумкин.

7. Биноларнинг сейсмик хавфсизлигини иқтисодий жиҳатдан мақбул даражасини таъминлаш ва цементни 15 фоизгача, пўлатни эса 9-12 фоизгача тежаш имконини берувчи антисейсмик чора-тадбирларни оптималлаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари “ToshuyjoyLIT” АЖ томонидан ШНК 2.01.22-21 “Мавжуд қурилиш бинолари ва иншоотларини тиклаш ва антисейсмик мустаҳкамлаш” шаҳарсозлик стандартлари лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган бўлиб, булар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этилган.

Биноларнинг сейсмик заифлиги ва шикастланишини баҳолаш, шунингдек, миллий шкалани такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича EMS-98 нинг мослаштирилган услубий қоидаларидан фойдаланиш бўйича таклифлар Ўз 836-97 РСТ ни қайта ишлашда фойдаланиш учун “ToshuyjoyLIT” АЖга ва ЎзР Қурилиш вазирлиги қабул қилди.

ГИС платформасида сейсмик хавфларни бошқариш ва эҳтимолий зилзилалардан етказилган зарарни камайтириш бўйича ташкилий-услубий схема Фавкулудда вазиятлар вазирлиги ва унинг Академияси ўз фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилдилар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 26/30.12.2019.Т. 11. 01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-  
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТУРИНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ В  
г. ТАШКЕНТЕ  
ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**ТУЛАГАНОВ БАХРОМ АБДУКАБИЛОВИЧ**

**ОЦЕНКА СЕЙСМИЧЕСКОЙ УЯЗВИМОСТИ И ПОВРЕЖДАЕМОСТИ  
ЗДАНИЙ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МЕТОДИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ  
ЕВРОПЕЙСКОЙ МАКРОСЕЙСМИЧЕСКОЙ ШКАЛЫ**

**05.09.01 – Строительные конструкции, здания и сооружения**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим  
наукам**

Ташкент-2022

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.3.PhD/T1363.

Диссертация выполнена в Туринском политехническом университете в г. Ташкенте и Ташкентском архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научные руководитель: **Ходжаев Саидаглам Аглоевич**  
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Аскарлов Бахтиер Аскарлович**  
доктор технических наук, профессор

**Ибрагимов Бахром Тошмуратович**  
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **ОАО «UZOGIRSAN OAT LOYIHA»**

Защита диссертации состоится «03» февраля 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc. 26/30.12.2019.Т. 11. 01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте. (Адрес: 100011, город Ташкент, улица А. Кадыри, дом 7В. Архитектурный факультет, зал заседаний. Тел.: (+99871) 241-10-84, факс: (+99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирован за № 72). (Адрес: 100084, г. Ташкент, улица Малая кольцевая дорога, дом №7. Тел.: (+99871) 235-43-40, факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Автореферат диссертации разослан 14 февраля 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 9 от 14 февраля 2022 года.)



**Х.А. Акромов**

Член научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**А.Т. Хатамов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых  
степеней, д.т.н., доцент

**Б.А. Аскарлов**

Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** К настоящему времени мировое развитие теории и практики сейсмостойкого строительства достигло высокого уровня. Об этом свидетельствуют результаты инженерного анализа последствий многих землетрясений, при которых здания и сооружения, построенные в соответствии с действующими нормами по сейсмостойкому строительству, удовлетворительно переносят сейсмические воздействия. Вместе с тем катастрофические последствия ряда землетрясений в разных странах, при которых наблюдались массовые обрушения зданий различных сроков постройки, выявили ряд проблем, требующих безотлагательного решения. С учетом масштабов разрушений и жертв, обеспечение сейсмобезопасности зданий и сооружений в сейсмоактивных районах, в том числе и в Узбекистане, а также экономически целесообразного расходования материальных и трудовых ресурсов на их антисейсмическое усиление приобретает особую актуальность и значимость.

Для эффективной интеграции в международную систему оценки территориальной сейсмоопасности в мире проводятся исследования прогнозного анализа рисков, снижения потенциального ущерба, наносимого землетрясениями. При этом уделяется большое внимание совершенствованию и развитию строительных норм и стандартов, в особенности, в области определения интенсивности сейсмических воздействий и антисейсмического усиления зданий.

В нашей стране уделяется большое внимание реализации мер по коренному совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности населения и территорий. В то же время, для реализации этих мер, научно-техническая политика в стране ориентирована на гармонизацию национальных нормативных документов на основе изучения и анализа международных норм, правил и стандартов в области строительства. Одним из важных вопросов при реализации этих задач является обеспечение сейсмостойкости существующих зданий в городах, разработка необходимых мер по снижению сейсмического риска.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-5963 от 13 марта 2020 года «О дополнительных мерах по углублению реформ в строительной отрасли Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3190 от 9 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения и территории Республике Узбекистан» и №ПП-4794 от 30 июля 2020 года «О мерах по коренному совершенствованию система обеспечения сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

